

ЕРБ факультетида талабалар кенгаши раиси сайланди

Жорий йилнинг октябрь ойида "Ер ресурсларини бошқариш" факультети декани Ш.Нарбаев Ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини Ҳ.Эшова ташаббуси билан факультетга қарашли академик лицей ётоқхонаси маънавият хонасида талаба-ёшлар ўртасида, "Ётоқхона тартиб интизоми ва унда рия қилиш қоидалари" тўғрисида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу давра суҳбати ҳар бир қаватнинг маънавият хонасида ўтказилди. Шунингдек, ётоқхона кенгаш раиси Маматов Машраб, 3 - қават сардори Деҳқонов Мурод, 2 - қават Эшқуватов Илҳом, тозалик учун масъул, газета - журналлар учун масъул ва спорт мусобақалари учун масъул кенгаш аъзолари сайлаб олинди.

Сайлаб олинган кенгаш аъзоларига бир қанча вазифалар юклатилди. Давра суҳбатида факультет декани Ш.Нарбаев ТТЖ да истиқомат қилаётган талабаларга қарата ётоқхонада барча шароитлар мавжудлиги ундан оқилона фойдаланиш, ҳафтанинг ҳар жума кунги тадбирида барча талабалар фаол бўлишлари ҳамда ободонлаштириш жамоат ишларига ўз ҳиссаларини қўшишлари тўғрисида батафсил маълумотлар бериб ўтди.



ЕРБ факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини Ҳуррият Эшова ахбороти
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов